

**БАЗМГОҲ БИНОЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ  
АНЪАНАЛАРИ**

*Уралов Акбарали*  
*эркин тадқиқотчи (Сам ДАҚИ)*

*Қосимова Дилноза*  
*эркин тадқиқотчи (Сам ДАҚИ)*

Меъморчиликда ранг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у муҳит бадийлигини оширишга ёрдам берувчи фаол композицион восита тарзида фойдаланилади. Рангдан самарали фойдаланиш учун унинг асосий хоссаларини билиш зарур.

Барча ранглар икки хил гуруҳга: ахроматик ва хроматик рангларга бўлинади. Биринчи гуруҳга оқ, қора ва кулранг рангларнинг турли туслари кирса, иккинчисига–камалак (спектр)нинг барча ранглари киради. Амалиётда кенг тарқалган колористик маданиятга хос спектрал ранглар доирасида 8 хил хроматик ранглар мавжуд. Булар сариқ, сариқ–яшил, яшил, кўк, бинафша, тўққизил, қизил ва тўқсарик ранглардир [1].

Замонавий тўйхоналар архитектурасини асосан уларнинг интерьер-лари архитектурасига қараб баҳо бериш тўғри эмас деб ўйлайман. Чунки аксарият тўйхоналар катта магистрал кўчаларга, оммавий транспорт бекат-ларига яқин қилиб қурилган ва ушбу кўчалар архитектураси ва перспективасини шакллантиришда фаол қатнашиб, унга хизмат қилиб келмоқда.

Ана шу нуқтаи назардан ва, энг муҳими, тўйхоналарнинг оммавий жамоат бинолари эканлигини ва бу ерга келувчиларнинг катта руҳий кайфиятда бўлишлигини эътиборга олиб тўйхоналаримиз фасадлари ва улар олдидаги майдоннинг этарлича ва юқори сифатда ободонлашган бўлишлиги талаб этилади [2].

Хўш, тўйхоналар фасади қандай меъморий композицияга асосланиши керак? Бу саволга биринчи ва энг тўғри жавоб, фикримизча, шулки, базмгоҳларни ташқи кўриниши тантанавор, салобатли, “эlegant” кўринишда бўлишлиги зарур. Бундай меъморий ечимга эришиш учун базмгоҳларни бош фасадлари синалган анъанавий мумтоз стиллар, яъни симметрия қонунига (аксли симметрияга) асосланиши зарур. Бунинг учун эса тўйхона “остона”си, яъни кириш қисмининг ечими фасаддан бўрттирилган ва фасад текислигининг марказида жойлашиши лозим.

Замонавий биноларга ташки ва ички безак бериш санъати ҳозирги даврда Ўзбекистонда тизимли тарзда, тўйхоналар интерьерлари дизайни

хусусиятларига таянган, яъни махсус лойиҳалар асосида бажариш тамойил-ига эга. Натижада бу соҳада муайян дизайн соҳаси, интерьерлар дизайни йўналиши шаклланиб келмоқда. Бинокорлик ишлари шунчалик тез ва жадал суръатлар билан кетмоқдаки, анъанавий услуб ва йўналишлар, дизайн ва безатиш ишлари бугунги кунда энг долзарб бадиий–эстетик масалага айланмоқда [3].

Натижада кейинги даврларда ўзбек дизайннинг ташқи ва ички кўринишларига турли хил Шарқ ва Европа маданияти, интерьер санъатининг таъсири сезилмоқда.

Бироқ бу ижодий йўналишлар анъанавий қонун–қоидалар ва маиший меъёрлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда.

Ички қисмларни безатиш ва пардозлаш ишларини бажаришда маҳаллий архитектурага мос бўлган қурилиш ва пардозлаш материалларидан: кафель, метал, ойна ва қатор нотабий коцераген элементлардан муайян бир тизимли, ҳатто янгиликлар билан олиб борилмоқда. Деворларнинг ранглари, бўёқлар комбинацияси, ёруғликнинг безак материаллари билан мунофиқлиги бадиий композиция шаклининг уйғунлашувига олиб келган [2].

Бино қисмлари ва айрим ўзига хос безалган жойлар бинонинг режавий композицияси ва қурилиши услубига ҳамда замонавий дизайн талабларига мос келади.

Атрофлича мукамал меъморий композиция яратиш талаблари ва замонавий дизайн анъанавий услубларига мос келади.

Тарихий илдизларимизга, миллий колоритга қайтиш яққол намоён бўлаётган жараён кейинги 15 йил ичида юзага чиқиб, бу даврда ўзбек меъморчилигининг ички безаклари кўриниши ривожланган давр сифатида кузатилмоқда. Кўпинча бу жараён кўнгилочар жойлар, тўйхона ва базм-гоҳлар, меҳмонхоналарнинг ички ва ташқи кўринишларида намоён бўлмоқда. У бино пештоқлари ва ички қисмларининг айрим жойларини бадиий безатишда ҳам ўз аксини топиб, бино атрофида табиий ва меъморий–ландшафт ечимларига манзара ҳосил қилишда ҳам фойдаланилмоқда. Биноларнинг ташқи қисмида нақшинкор безаклардан фойдаланиш энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири ҳисобланмоқда. Бошқача айтганда, бинонинг ички қисмида анъанавий манзара, турли сув ҳавзаларини ҳосил қилиш билан бирга, ташқи қисми бўйича улкан саройларни эслатувчи бинолар қуришга интилиш кучаймоқда [3].

Ҳозирги босқичда Ўзбекистондаги тўйхоналар интерьернинг шаклланиши кўп йўналишли, яъни нафақат миллий, балки умуммиллий характерга эга. Унга маданиятларнинг турли хиллари ўз таъсирини кўрсатмоқда [3].

Ҳозирги пайтда ўзбек интерьер санъати тараққиётининг ҳолати етарлича тадқиқ этилмаган. Кейинги йигирма йил мобайнидаги тадрижий-типологик, бадиий безаклар шаклланишининг замонавий образи ҳамда ўрта асрлар давридаги меъморий ютуқлар билан уйғунлаштириш жиҳатлари чуқур ўрганилмоқда. Ушбу санъатнинг ҳозирги босқичдаги ривожланиш даражаси ва келгусидаги тараққиётининг илмий–услубий асослари жадал қадамлар билан яратилмоқда [4].

Мазкур тадқиқотда кейинги йигирма йилдаги ўзбек тўйхоналари интерьер санъатининг тадрижий–типологик, бадиий-декоратив шаклланиш жараёни биринчи марта тавсифланган, биринчи марта ўрта асрлардаги “гуллаб яшнаган” даврнинг тарихий–маданий ютуқлари ўша давр анъанавий образини профессионал жиҳатдан синчиклаб ўрганиш асосида яққол аниқлаб берилган; танланган услуб ҳамда танланган образ йўналишига мувофиқ дизайн, безак, жиҳозлар танлаш тартибга солинган; биринчи марта Ўзбекистон тўйхоналари интерьерларнинг замонавий услуб, бадиий образларини ривожлантириш, ўзбек “миллий колорити”га эга анъанавий интерьер санъатининг ворисий истиқболли тараққиёти услубларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилган .

Тадқиқотнинг ижтимоий–иқтисодий самараси инсон яшаш ва дам олиш муҳитида қулай шарт–шароитлар, тўлақонли сервис хизмати яратишдан иборат. Шунингдек, ўзбек тўйхоналари интерьер санъатининг техник, функционал, эстетик қийматини янада юксалтириш, маданий меросни сақлаш ҳамда янги авлодларга етказиш ушбу илмий тадқиқотнинг амалий самарадорлигини белгилайди.

Хулоса. Меъморий безаклар бино шаклларига мос тарзда ишланиши зарур: композицияда меъморий шакллар уйғунлиги бирламчи, безаклар эса иккиламчи ролни ўйнаши лозим. Безаклар композицияси асосий ва ёрдамчи (тўлдирувчи) нақшлардан тузилиши керак. Асосий нақшлар узоқдан, ёрдамчилари эса фон вазифасини бажариб яқиндан кўришга мўлжалланиши мақсадга мувофиқ. Нақшлар уйғунлиги рапорт, тақсим, ритм, миқёсий тўр, симметрия ва ранглар контрастига асосланиши зарур. Безаклар деворий маҳобатли рангасвирларга, ғишткорий, кошинкорий, ганчкорий, гирих, ислимий, ёзувий, ўйма, муқарнас ва кундал турларига бўлинади. Барча нақшлар модулли миқёсий ва хандасавий ясалиш услубларига ва ўзига хос ранглар жилосига эга бўлиши зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Уралов А.С., Рахимов А.К., Саидова Б.А. Архитектуравий компо-зиция ва лойиҳалаш асослари.–Самарқанд, 2005.

2. Хабиб Темур. Самарқанд сайқали. Истиқлол берган имкон: қурилишда бурилиш. "Зарафшон" газетаси, 1995–йил 19–сентябр сони.
3. Пардаев С. Атроф муҳит муҳофазасида дарахт ва буталарнинг роли.//Конференция материаллари. 2013 й.
4. Қосимова Ф.А. Самарқанд шаҳри архитектурасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти.//СамДАҚИ ёш олимлари маърузалари материалларининг тўплами.–Самарқанд: СамДАҚИ 2008.